

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХУДЖАМШУКУРОВ АХТАМ НУРМАМАТОВИЧ

ТОВУҚ ЭЙМЕРИОЗИ ВА ПУЛЛОРОЗИНИНГ КИМЁВИЙ
ПРОФИЛАКТИКАСИ

03.00.06 – Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по ветеринарным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on veterinary sciences**

Худжамшукуров Ахтам Нурмаматович

Товуқ эймериози ва пуллорозининг кимёвий профилактикаси..... 3

Худжамшукуров Ахтам Нурмаматович

Химиопрофилактика эймериоза и пуллороза кур 21

Khudjamshukurov Akhtam Nurmamatovich

Chemoprophylaxis of hens eumeriosis and pullorosis 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХУДЖАМШУКУРОВ АХТАМ НУРМАМАТОВИЧ

ТОВУҚ ЭЙМЕРИОЗИ ВА ПУЛЛОРОЗИНИНГ КИМЁВИЙ
ПРОФИЛАКТИКАСИ

03.00.06 – Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/V19 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samvmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Давлатов Равшан Бердиевич ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мавлонов Собиржон Ибодуллаевич ветеринария фанлари доктори Менглиев Ғайрат Акрамович ветеринария фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Самарқанд ветеринария медицинаси институти. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).

Диссертация автореферати 2020 йил « ___ » _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил « ___ » _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида паррандаларда учрайдиган юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликларни олдини олиш, экологик тоза парҳезбop парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бутун жаҳон ҳайвонлар соғлиғини сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра, паррандаларда учрайдиган касалликларнинг 30 фоизини нафас олиш аъзолари, 29 фоизини овқат ҳазм қилиш, 17 фоизини эса бошқа турли хил патологиялар ташкил қилади¹.

Дунё миқёсида паррандаларнинг кенг тарқалган паразитар ва айрим инфекция касалликларининг эпизоотологик, эпидемиологик ҳолатини тезкор аниқлаш, эрта ташхис қўйиш, замонавий даволаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, товуқ эймериози ва пуллорозининг аралаш кечишида самарали кимёвий профилактика усулини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада паррандалар орасида кенг тарқалган эймериоз ва пуллороз касалликларини ҳудудларнинг биоэкологик ҳолатини эътиборга олган ҳолда мониторинг қилиш, касалланган паррандалар организмида кечадиган морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда ушбу касалликларнинг олдини олишнинг тизимли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий муаммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида паррандачиликни жадал ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда парранда сони ва маҳсулдорлигини кўпайтириш, шунингдек паррандаларнинг турли хил юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликларини олдини олиш ҳамда паррандачиликни ривожлантиришда тизимли тадбирларни йўлга қўйилишига эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борада паррандаларнинг паразитар ва юқумли касалликларини аралаш кечишида уларга қарши курашишда кимёпрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-24/60-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ – 4015-сон «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар», 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа

¹ Бутун жаҳон ҳайвонлар соғлиғини сақлаш ташкилотининг маълумоти. 2014 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Товуқ эймериози ва пуллорозининг клиник белгилари, эпизоотологик хусусиятлари, биологияси, патогенези, даволаш ва қарши курашиш чора-тадбирлари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Бундай тадқиқотлар, хорижий муаллифлар хусусан, Р.Н.Коровин, Т.А.Шибалова, В.Ф.Крылов, Ю.П.Илюшечкин, В.Ф.Галата, А.И.Ятусевич, Е.В.Рябцева, Н.А.Бондаренко, А.М.Аблова, А.И.Криллов, Ф.С.Киржаев, Г.А.Грошева, С.В.Николаев P.L.Long, A.Latala, V.Cozman, A.Gawelлар, Ўзбекистонлик олимлардан И.Х.Иргашев, Ҳ.К.Бурхонова, А.Р.Джаббаров, О.Давронов, Д.Ибрагимов, Т.А.Абдурахманов, Р.Б.Давлатов ва бошқалар томонидан ўтказилган. Республикамизда эймериоз билан пуллорознинг аралаш шаклда кечишини аниқлаш ва кимёпрофилактика қилиш бўйича зарур муаммолар мавжуд, шунинг учун ҳам ушбу касалликларнинг эпизоотологияси, замонавий олдини олиш ва қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-10-121 «Турли биоэкологик шароитларнинг товуқлар организмида юқумли ва юқумсиз касалликларнинг кечишига таъсирини ўрганиш» (2009-2011 йй.), ҚХИ-5-052-2013 «Паррандаларнинг инфекцион ва инвазион касалликларини даволаш ҳамда олдини олишда қўлланиладиган антиоксидантли антибактериал ва антипаразитар дори аралашмаси – коликокцидни жорий қилиш» (2013-2014 йй.), ҚХА-9-032-2015 «Товуқлар эймериозига қарши самарали иммунокимёпрофилактика усулини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республиканинг паррандачилик хўжаликларида товуқ эймериози ва пуллорозининг эпизоотологик хусусиятлари ҳамда кимёвий профилактикасига асосланган олдини олиш тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

товуқлар эймериози ва пуллорозининг эпизоотологик хусусиятларини аниқлаш;

янги эймериостат, антибиотикли ва витаминли премиксларни товуқ эймериози ва пуллорозини олдини олишда қўллашни илмий асослаш;

пуллороз қўзғатувчисининг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш;

эймериоз ва пуллорознинг аралаш кечишини даволаш ҳамда кимёпрофилактика қилишда янги услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида товуклар, жўжалар, эймерияларнинг ооцист культуралари, шунингдек, жўжа пуллорози, эймериози ва унинг кўзғатувчилари, патологик намуналар, эймериостатлар, антибиотиклар, витаминлар ҳамда премикслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети товук, жўжаларнинг ўсиши, тана вазни, ўртача кунлик ўсиши, сақланувчанлиги, эймериозга қарши индекс (ЭҚИ), препаратларнинг самарадорлик кўрсаткичлари, қоннинг миқдорий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда умумий қабул қилинган клиник, гематологик, микроскопик, патологоанатомик, копрологик усуллардан, шунингдек, антибиотикограмма ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

товукларда эймериоз ва пуллороз касаллигининг специфик эпизоотологик хусусиятлари аниқланган;

товук эймериози ва пуллорознинг аралаш кечишида ўзига хос клиник, гематологик ва патоморфологик ўзгаришлари аниқланган;

эймериоз ва пуллорознинг кимёпрофилактикасида янги эймериостат, антибиотикли ва витаминли премикслар синовдан ўтказилиб, уларнинг юқори самарадор эканлиги тажрибаларда исботланган;

товуклар эймериози ва пуллорозининг кимёпрофилактика тадбирлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республика фермер ва шахсий паррандачилик хўжаликларида товук эймериози ва пуллорознинг эпизоотологияси ва келиб чиқиш сабаблари аниқланган;

республика товукчилик хўжаликлари шароитида эймериоз билан пуллорознинг паразитоценози, ўзига хос клиник, гематологик ва патоморфологик ўзгаришлари илмий асосланган;

эймериоз, эймериоз ва пуллорознинг аралаш кечиши кимёпрофилактикасида эймериостат, антибиотикли ва витаминли премикслар синовдан ўтказилиб, уларни қўллаш усуллари бўйича амалий тавсиялар тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тажрибаларнинг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги, илмий ҳисоботларнинг муҳокамадан ўтганлиги, тадқиқот натижаларининг мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, тажрибалардан олинган маълумотларнинг статистик таҳлили ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республика паррандачилик хўжаликларида товук эймериози ва пуллорознинг специфик эпизоотологик хусусиятлари, касалликнинг клиник кечиши, айрим янги эймериостатлар, антибиотиклар ва

витамишли премикслар синовдан ўтказилган жўжалар организмидаги гематологик ва патоморфологик ўзгаришлар таҳлил қилиниб, препаратларнинг самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эймериоз ва пуллороз аралаш кечганида самарали эймериостатлар, антибиотиклар ва витаминли премиксларнинг товукчилик хўжаликларида қўлланилиши натижасида жўжаларнинг соғайиши, ҳаётчанлигининг ортиши, ўсиш ва ривожланишининг яхшиланиши, тана вазнининг ортиши, касалликларнинг олдини олишда қўлланилиши эвазига рентабелликнинг ошишига эришилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Товук эймериози ва пуллорозининг кимёвий профилактикаси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Товук эймериозининг кимёпрофилактикаси ва даволаш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг паррандачилик хўжаликларига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02/17-316-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсияномаларни қўллаш ҳисобига товук эймериозини даволаш ва олдини олишда юқори самарадорликка эришилган;

товук эймериози ва пуллорозининг аралаш шаклини даволашда ампролин (1 кг омукта емга 0,5 гр), энрофлоксацин (1 литр сувга 1 мл), рексвитал (1 кг емга 0,5 гр) ни қўллаш усули ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02/17-316-сон маълумотномаси). Натижада ушбу препаратларнинг касалликка қарши қўллашнинг индекси 195,3 баллга тенг бўлиши имконияти яратилган;

товук эймериози ва пуллорози аралаш шаклининг кимёвий профилактикаси учун тавсия этилган дори дармонлар ва уларни қўллаш усули амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02/17-316-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кимёвий профилактика усулининг қўлланилиши эвазига ҳар бир жўжа ҳисобига 998,6 сўм самарадорликка эришилган ва сарфланган 1 сўмга 13,8 сўм иқтисодий самара олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Олинган натижалар асосида 2 та тавсиялар чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та

мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий тадқиқот режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Товуқ эймериози ва пуллорозининг кимёпрофилактикасига доир адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз олимлари ва хорижий тадқиқотчи олимларнинг илмий ишлари таҳлили асосида товуқ эймериози ва пуллорозининг ўзига хос жиҳатларини, уларнинг келиб чиқиши, кўзгатувчилари, эпизоотологияси, патанатомияси, ташхиси ва қиёсий ташхиси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини акс эттирувчи кенг кўламли материаллар келтирилган. Турли муаллифларнинг товуқ эймериози ҳамда пуллорозининг тарқалиши, иқтисодий зарари ва сабаблари очиқ берилган. Республикамизда ва хорижда паррандачилик йўналишларида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган, мамлакатимизда паррандачиликни кўпайтиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Республика паррандачилигини ривожлантириш ишлари ва унга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳолати алоҳида кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган, Республикамизда товуқ эймериози ва пуллорозининг паразитоценози, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари, тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ва вазифалари таърифланган.

Диссертациянинг **Товуқ эймериози ва пуллорозининг кимёпрофилактикасига оид «Хусусий тадқиқотлар»** деб номланган иккинчи бобида, тадқиқотлар 2012-2018 йилларда республикамиз миқёсида паррандачилик ривожланаётган Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг товуқчилик хўжаликларида, аҳоли қармоғидаги паррандаларда, институт вивариясига қарашли «Кичик товуқхона» шароитида бир неча босқичда тажрибалар ўтказилганлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва тажрибалар ўтказиш услуги ёритилган. «Тадқиқот объекти ва услублари» бўлимида эймериозга қарши индекс (ЭҚИ), клиник, копрологик, патологоанатомик ёриб кўриш, тезак намуналарини текширишда

Дарлинг, Фюллеборн, Крылов усулларидан фойдаланилиб ўтказилди. Тажрибаларда янги эймериостатлар, янги антибиотиклар, витаминли премиксларни синаш асосида уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланилди. Тажрибалар давомида, 20-60 кунлик 102 бош жўжалар пуллорози ташхиси ҳамда кўзгатувчининг антибиотикларга сезувчанлиги умум қабул қилинган индикатор диск усули бўйича, патологик материаллардан *S.Pullorum* штамлари бактериологик усулда соф ажратилиб, култураль морфологик, биокимёвий ва тинкториал хусусиятлари ўрганилган, қўлланилган препаратлар самарадорлиги, қоннинг шаклли элементлари, гемоглобин миқдори аниқланган. Илмий тадқиқот ишлари юқорида таъкидланган йиллар давомида институт “Кичик товуқхона”си шароитидаги тажрибаларда 1130 бош жўжалардан фойдаланилган. Тажриба давомида олинган рақамлар статистик ишловдан ўтказилиб, кўрсаткичларлар орасидаги хатоликлар Стюдент жадвали асосида ишлов бериш тартиби баён қилинган.

Диссертациянинг «Товуқ эймериозинининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олишда янги эймериостатлар» деб номланган учинчи бобида товуқ эймериозининг эпизоотологияси, экстенсивлиги, интенсивлиги ва эймериостатларнинг синов натижалари, эймериостатни қўллаш усуллари тадқиқ этилган.

Жумладан ушбу бобнинг «Товуқ эймериозининг эпизоотологияси» бўлимида товуқ эймериозига оид эпизоотик жараён қонуниятлари, инвазиянинг тарқалишига йил мавсуми ва табиий шароит таъсири, паррандаларнинг ёши ҳамда уларни асраш технологияларига боғлиқ бўлган ҳолатлар таҳлил қилинган.



Республикамизнинг паррандачилик хўжаликларида товук эймериозининг тарқалишини ўрганишда 738 тезак намуналари текширилган бўлиб, шундан 447 намунадан эймерий ооцистлари ажратилиб, 3,4-90,8 нусхаларда 60,6% ни ташкил қилди. Виляотлар кесими бўйича Самарқанд вилоятида 231 та намунадан 136 тасида 3,4-89,4 нусхаларда 58,9% ни, Қашқадарё вилоятида 120 намунадан 80 тасида 12,4-70,5 нусхаларда 66,6% ни, Сурхондарё вилояти бўйича 387 намунадан 231 тасида 58,5% ни ташкил қилмоқда (1-расм).

Диссертациянинг «Товуқ эймериозида ампролиннинг самарадорлиги» деб номланган бўлимида эймериознинг профилактикаси ва даволашда самарали ҳисобланган эймериостатнинг тажриба шароитида синов натижалари келтирилган.

Тажрибадаги жўжалар 14 кунлигида аналоглар қондаси бўйича ҳар бирида 10 бошдан 4 гуруҳга ажратилди. Хусусан, 1-гуруҳ жўжалари соғлом назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилди. 2-, 3- ва 4-гуруҳ жўжалари *E.tenella*, *E.acervulina*, ҳамда *E.maxima* лардан иборат эймерийлар «культураси» билан «ЛД₅₀» дозада сунъий зарарлантирилди. 2-гуруҳга ҳеч қандай препарат қўлланилмади. Жўжаларни эймериоз билан сунъий зарарлантириш ўтказилган кундан бошлаб 3-гуруҳ жўжаларига ампролин эймериостати 1 л сувга 1 г миқдорда 7 кун, 4-гуруҳ жўжаларига эса тиаккокцид дорисини (125 мг/кг емга) кундалик омихта емга яхшилаб аралаштирилган ҳолда 10 кун давомида қўлланилди. Тажриба давомида жўжаларнинг клиник ҳолати, вазнининг ўсиши ва ўлганларининг гавдасидаги патологоанатомик ўзгаришлари кузатиб борилди.

1-гуруҳ соғлом назорат гуруҳи жўжаларида эймериозга хос белгилар кузатилмади, аксинча соғлом ривожланиб жўжалар сақланувчанлиги 100% ҳар бир жўжанинг кунлик тана вазнининг ортиши 15,7 г, эймериозга қарши индекс 200 баллни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Товуқ эймериозида ампролиннинг самарадорлик кўрсаткичлари

№	Гуруҳлар	Жўжа бош сони	Ёши, кун	Ўртача тирик вазни, г	Сақланувчанлик, %	Тажриба охиридаги ўртача тирик вазни, г	Ўртача кунлик ўсиш, г	Ооцист ривожланиши	ЭҶИ, балл
1	Соғлом назорат	10	14	42	100	356	15,7	-	200
2	Зарарлантирилиб даволанмаган	10	14	42	30	134	4,6	100	-
3	Тажриба- Ампролин	10	14	42	100	335	14,6	21,5	192,1
4	Тажриба-Тиаккокцид	10	14	42	100	312	13,5	32,8	181,3

Зарарлантирилиб даволанмаётган жўжаларда (2-гурух) эймериознинг клиник белгилари тажрибанинг 3-, 4-кунларидан бошланиб, безовталаниб қўзғалиш ва чанқоқлик сезилди. 5-, 7-кунларда эса жўжалар ҳаракатининг сусайиши, чанқоқликнинг ошиши, иштаҳанинг пасайиши, бефарқлик, ахлатнинг суюқ ва қон аралаш ажралиши кузатилди ва бу гуруҳда жўжаларнинг 7 боши нобуд бўлди.

Ўлган жўжалар гавдаси ёриб кўрилиб эймериозга хос патологоанатомик ўзгаришлар аниқланди. Тажриба сўнгида эса жўжаларнинг сақланувчанлиги 30%, ўртача кунлик вазн ортиши 4,6 граммни ташкил этди. 3-тажриба гуруҳи жўжаларига ампролин дориси қўлланилиб, эймериозга хос белгилари кузатилмади. Жўжалар меъёрида озикланиб, ўсиш ва ривожланиш жараёнида давом этди. Уларнинг сақланувчанлиги 100%, ўртача кунлик тана вазн ортиши 14,6 г ва эймериозга қарши индекс 192,1 баллни ташкил этди.

Тиакосид препарати синалган жўжалар (4-гурух) орасида эймериозга хос айрим клиник белгилар қайд этилди, лекин жўжалар ўлими кузатилмади. Тажриба охирида жўжаларнинг сақланувчанлиги 100%, ўртача кунлик вазн 13,5 г ва эймериозга қарши индекс 181,3 баллни ташкил этди.

Товуқ эймериозини даволашда ампролин эймериостатигини 1 л сувга 1 г миқдорда 7 кун давомида узлуксиз қўллаш самарали кўрсаткичга эга бўлиб, препарат парранда организмида эймериозга қарши иммунитет ҳосил бўлишида тўсқинлик қилмаслиги аниқланди.

«Товуқ эймериозини даволаш ва олдини олишда янги эймериостат препаратларни қиёсий синаш» деб номланган бўлимида товуқ эймериозига янги эймериостат ва витаминли премиксни қўллаш натижалари келтирилган.

Тадқиқот давомида маҳаллий штаммлардан иборат эймерий культурасини юқтириш, копрологик текшириш ва клиник кузатиш усуллари, эймериостатни қўлланилиши, синовдан ўтказиш учун 12-14 кунлик жўжалар аналоглар қондаси бўйича ҳар бирида 30 бошдан 4 гуруҳга ажратилди. Соғлом назорат (1-гуруҳ) зарарлантирилмади ва хўжалик рационидида озиклантириб борилди. 2-, 3-, 4-гуруҳ жўжалари споруляцияланган эймерий ооцистларининг (мос ҳолда *E.acervulina* – 200 минг, *E.maxima* – 15 минг, *E.tenella* – 40 минг дона) 1 мл³ суспензияси билан зарарлантирилди. Юқтирилиб даволанмаган (2-гуруҳ) хўжалик рациониди билан озиклантирилди. Зарарлантирилиб интракоккс эймериостати қўлланилган 3-гуруҳи хўжалик рационидида усулида озиклантириб борилди ва ампровет 25% + рексвитал витаминли премикси қўлланилган (4-гуруҳ), хўжалик рациониди асосида озиклантириб борилди.

1-гуруҳ жўжалари соғлом ўсиб ривожланди, жўжалар сақланувчанлиги 100%, кунлик ўсиш ўртача 16,8 г ни ташкил этди.

Зарарлантирилиб даволанмаётган жўжаларда (2-гуруҳ) эймериоз клиник белгилари тажрибанинг 3-, 4-кунлари (безовталаниб қўзғалиш ва чанқоқлик кузатилган) бўлса, 5-, 6-кунларда эса жўжалар ҳаракатининг сусайиши, чанқоқликнинг ошиши, иштаҳанинг пасайиши, бефарқлик, ахлатни суюқлашуви, қон аралаш ажралиши қайд этилиб, бу гуруҳдан 21 бош жўжа

ўлди. Ўлган жўжалар жасади ёриб кўрилганда эймериозга хос патологоанатомик ўзгаришлар аниқланди. Тажриба охирида эса сақланувчанлик 30%, ўртача кунлик вазнининг ортиши 4,8 г ни ташкил этди (2-жадвал).

Интракоккс препарати қўлланилган тажриба гуруҳи (3-гуруҳ) жўжаларида эймериозга хос белгилари баъзан кузатилди, жўжалар орасида ўлим ҳолати кузатилмади. Тажриба охирида сақланувчанлик 100%, ўртача кунлик тана вазн ортиши 13,7 г ва ЭҚИ 186,6 баллни ташкил этди.

Ампровет 25% + рексвитал қўлланилган жўжалар (4-гуруҳ) орасида эймериозга хос белгилар кузатилмади, жўжалар меъёрида озикланиб, яхши ўсиб, ривожланиш жараёни давом этди. Натижада жўжалар сақланувчанлиги 100%, ўртача кунлик ўсиш 14,8 г, ЭҚИ 193,6 баллни ташкил этди.

2-жадвал

Тажрибаларда қўлланилган эймериостат препаратларнинг таъсир самарадорлиги кўрсаткичлари

№	Гуруҳлар номи	Жўжалар бош сони	Жўжалар ёши, кун	Тажриба бошидаги тирик вазн, г	Сақланувчанлик, %	Тажриба охирида ўртача тирик вазн, г	Тана вазн ортиши, %	Ўртача кунлик ўсиш, г	ЭҚИ, балл
1	Соғлом назорат	30	14	80	100	360	718,8	15,8	200
2	Зарарлан-тирилиб даволанмаган	30	14	80	30	139	315,9	4,8	143,9
3	Интракоккс ишлатилган	30	14	80	100	318	622,7	13,7	186,6
4	Ампровет 25% + рексвитал ишлатилган	30	14	80	100	340	672,2	14,8	193,6

Ампровет 25% + рекс витални 1 кг емга мос ҳолда 500 мг + 500 мг дан кўшилган ҳолда 10 кун давомида қўлланилганда ушбу препаратнинг кўзғатувчиларга нисбатан самарадорлиги юқори бўлди, хусусан, эймериозга қарши индекс 193,6 балл, жўжаларнинг сақланувчанлиги 100% ва кунлик ўсиши ўртача 14,8 г ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Товуқ эймериози ва пуллорозининг аралаш кечиши» деб номланган тўртинчи бобида жўжаларда пуллорознинг эпизоотологияси, кўзғатувчининг антиботикларга сезувчанлиги, самарали антибиотикларни пуллорозда қўллаш, товуқ эймериози ва пуллорозиди, унинг клиник белгилари, патоморфологик ўзгаришлар товуқ эймериози ва

пуллорознинг аралаш кечишида самарали усул ва воситаларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобнинг «Жўжалар орасида пуллорознинг тарқалиши» деб номланган бўлимида жўжаларда пуллорознинг эпизоотологияси бўйича олиб борилган тажриба натижалари келтирилган.

Тадқиқот давомида Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманига қарашли «Оқсарой» парранда МЧЖ да, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани шахсий ёрдамчи хўжаликлари жўжаларининг касал ва ўлганлари патологоанатомик ҳамда клиник текширувлардан ўтказилганда пуллорозга хос белгилар қайд этилди. Касалланган жўжаларда ҳолсизланиш, иштаҳанинг йўқолиши, тўхтовсиз ич кетиши ва ахлатининг оқ, айрим ҳолда яшил-кулранг рангда, ҳиди ўта ёқимсиз бўлиши, орқа чиқарув тешиги атрофида ахлатнинг қотиб, уни бекитиб қўйиши, ташқи шиллиқ пардалар ва тожининг кўкариши кузатилди. 90 бош ўлган ва мажбурий сўйилган 22-25 кунлик жўжаларнинг 60 бошида пуллорозга хос клиник белгилар кузатилиб, шундан 39 бош (65%) ўлган жўжалар жасади патологоанатомик текширилганда: жигарнинг катталаниши, бўшашганлиги, айрим ҳолларда эса сарғимтил кулранг, некротик ўчоқлар қайд этилиши кузатилди (3-жадвал).

Пуллороздан касалланиб, ўлган жўжалар жасадидаги патологоанатомик ўзгаришлар шуни кўрсатдики, асосан 7-25 кунликкача бўлган жўжаларда касаллик ўткир кечди ва улар 69 бош ёки 68,2% ни ташкил этиши аниқланди.

3-жадвал


Паррандачилик хўжаликларида пуллорознинг тарқалиши

№	Жўжалар (тури)	Қашқадарё вилояти Оқсарой МЧЖ (жўжа, бош)	Самарқанд вилояти	
			Каттақўрғон тумани (гўшт йўналиши)	Пайарик тумани (тухум йўналиши)
1	Ломанн	39	-	-
2	Кобб-500	-	8	-
3	Ломанн	-	-	22
Пуллороз фоиз ҳисобида жами (68,2%)		65%	66,6%	73%

Юрак ва ўпкада ҳам кулранг фибринли оқчил некроз ўчоқлари ва перикардит белгилари аниқланди. Ичак шиллиқ пардаларида яллиғланиш, кўр ичак ва клоакада оқ рангли творогсимон массанинг бўлиши, буйрақларнинг катталаниши, сийдик йўллариининг ҳам оқ масса билан тўлганлиги кўзга ташланди. Гўшт йўналишидаги жўжаларда оёқ бўғинларининг жароҳатланиши кузатилди ва 12 боши (30,7%)нинг фибринозли суюқликнинг йиғилиши ҳамда яллиғланиш белгилари қайд этилди.

Пуллороздан касалланиб ўлган жўжалар асосан 22-25 кунликкача бўлган жўжалардан иборат бўлиб, улар 60 бош ёки 66,6% ни ташкил қилди.

«Спонтан касалланган товуқ пуллорозининг антибиотикограммаси» деб номланган бўлимда пуллороз билан касалланган жўжалар патматериалларидан ажратилган кўзгатувчиларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш, жўжалар пуллорозида қўлланилган антибиотиклар бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган. Патматериаллардан 44 та сальмонелла культуралари ажратилиб, культуранинг антибиотикларга сезувчанлигини индикатор диск усули бўйича текширилди. Ўсаётган культуранинг препаратларга сезувчанлиги ўсиш зонасига қараб аниқланди. Тажрибалар жараёнида қайд этилишича, сальмонеллалар энрофлоксацин-10%, флоржат-10, неоджат-100, гедожатларга юқори сезгир эканлиги эритромицин, окситетрациклин, хлортетрациклин, тетрациклин, пенициллин, стрептомицинларга паст сезувчанликда эканлиги аниқланди (2-расм).



Жўжалар пуллорозида антибиотиклардан фойдаланилиб, даволаш ва профилактика ишларини ўтказишда, албатта ажратилган штаммларни антибиотикларга сезувчанлигини (антибиотикограммани) аниқлаш зарур. Бу эса яхши таъсир этувчи антибиотикларни танлаш, профилактика ва даволаш ишларини самарали ўтказилишини таъминлайди.

«Товуқ эймериози ва пуллорозининг аралаш кечиши» деб номланган бўлимида олиб борилган тажрибалар натижаларининг кўрсатишича, аралаш кечишини нафақат кўп хужайрали паразитлар, гельминтлар, чивин личинкалари, балки содда ҳайвонлар, бактериялар, спирохеталар, риккетсиялар, вируслар ва ҳ.к. ташкил қилиши, унинг тури, хўжайини, ёши,

яшаш муҳити, озикланиши, йил фасллари ва турли сабабларга боғлиқ бўлиши, аралаш кечиш жараёнининг иштирокчилари орасида индиферент, симбиотик ёки антагонистик муносабатлар мавжудлиги, хўжайин организмида паразитлар мавжудлиги албатта инфекция кечишига ёки даволовчи восита самарадорлигини пасайтиришга таъсир кўрсатади.

«Жўжалар пуллорозини даволаш ва олдини олишда янги антибиотикларни қўллашнинг натижалари» бўлимида ўтказилган тажрибалар жараёнидаги кузатишларда қайд этилишича, соғлом назорат гуруҳидаги (1-гуруҳ) жўжалар орасида касалликларга хос белгилар кузатилмади, аксинча уларнинг соғлом ривожланиш давом этиб, жўжаларнинг сақланувчанлиги 100%, кундалик тана вазнини ортиши 347,5% ни, эймериозга қарши индекс 200 баллни ташкил этди.

Пуллороз билан спонтан касалланган ва эймерия ооцистлари билан зарарлантирилиб даволанмаётган қиёсий гуруҳ (2-гуруҳ) жўжалари орасида пуллороз ва эймериознинг клиник белгилари тажрибанинг 2-, 3-кунларидан бошланди ва безовталаниб кўзғалиш ва чанқоқлик белгилари кузатилди.

4-жадвал

Товуқ эймериози ва пуллороз аралаш кечганида синовдан ўтказилган препаратларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

№	Гуруҳ номи	Препаратнинг дозаси	Жўжалар сони, бош	Жўжалар тажрибадан олдинги вазни, г	Сақланувчанлик, %	Тажрибадан кейинги тирик вазни, г	Тирик вазннинг ўсиши, %	ЭҚИ, балл
1	Тоза назорат	-	10	80	100	358	347,5	200
2	Юқтирилиб даволанмаган	-	10	80	30	192	138,7	139,9
3	Ампролин+ флоржат ишлатилган	0,5 г/ 1 кг емга, 1 мл/ 1 л сувга	10	80	70	310	287,5	182,7
4	Ампролин+ энрофлоксацин ишлатилган	0,5 г/ 1 кг емга, 1 мл/ 1 л сувга	10	80	100	340	325	193,5
5	Ампролин+ энрофлоксацин рекс витал ишлатилган	0,5 г/ 1 кг емга, 1 мл/ 1 л сувга, 0,5 г/ 1 кг емга	10	80	100	345	331,2	195,3

4-, 5-кунлардан бошлаб жўжаларда ҳаракатнинг сусайиши, иштаҳанинг пасайиши, бефарқлик, ахлати суяқ ва қон аралаш ажралиши, интилиш, ташқи таъсиротларга сезувчанликнинг йўқолиши ҳолатлари қайд этилди ва 7 бош (70%) жўжа нобуд бўлди. Ўлган жўжалар гавдаси ёриб кўрилганда эймериоз ва пуллорозга хос патологоанатомик ўзгаришлар тасдиқланди. Тажриба сўнгида эса жўжаларнинг сақланувчанлиги 30% ни, вазнининг ортиши 138,7% ни ташкил этди.


Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, товук эймериози ва пуллорозининг аралаш кечишини даволаш учун ампролин + энрофлоксацин + рексвитални қўллаш бундай аралаш патологияларга қарши юқори самарадорликни намоён этади (4-жадвал).

«Товук эймериози ва пуллорозининг аралаш кечишида қўлланилган препаратларнинг гематологик кўрсаткичларга таъсири» деб номланган бўлимида товук эймериози ва пуллорозида самарали деб олинган дори воситаларининг қон кўрсаткичларига таъсири бўйича тажриба натижалари келтирилган.

Тадқиқотларда товукчилик хўжалигидан соғлом ва пуллороз билан касалланган 12-14 кунлик жўжалар олиб келиниб 50 бошдан тўрт гуруҳга ажратилди. 1-гуруҳ тоза назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилди. 2-гуруҳ пуллороз билан спонтан касалланган жўжалар (ЎД₅₀₋₉₀) 1 мл миқдордаги споруляцияланган ооцистлар билан зарарлантирилди ва тажриба охиригача препаратсиз сақланди.


3- ва 4-гуруҳ жўжалари ҳам пуллороз билан спонтан касалланган ва эймериоз кўзгатувчилари билан зарарлантирилган бўлиб, 3-гуруҳдаги жўжаларга бирданига қўлланмасига асосан ичимлик суви орқали ампролин-300 ҳамда энрофлоксацин-10% антибиотиғи қўлланилди. 4-гуруҳдаги жўжаларга эса ампролин-300, энрофлоксацин-10 % ва рексвитал витаминли премикс қўлланмасига асосан берилди. Қоннинг морфологик кўрсаткичлари тажрибаларнинг 3-, 5-, 10-, 15-, 20-кунлари қанот ости венасидан олинган қон намуналарида текшириб борилди. Лаборатория текшириш натижалари шуни кўрсатдики, 4-гуруҳдаги жўжаларнинг қон кўрсаткичлари тажриба охиригача соғлом назорат гуруҳидаги жўжалар қонининг морфологик кўрсаткичларидан фарқ қилмади (3, 4, 5-расмлар).

Эймериоз ва пуллорозга хос клиник белгилар ҳамда қондаги асосий морфологик кўрсаткичлар бўйича ўзгаришлар зарарлантирилиб даволанмаган назорат гуруҳида (2-гуруҳда) тажрибанинг 3-кунидан бошлаб кузатилди, хусусан, жўжалар қонидаги эритроцитлар сони ўртача 6,4%, гемоглобин миқдори ўртача 23,2% га камайди, лейкоцитлар сонининг ўртача 3,2% ва тромбоцитлар сонининг эса 2,0% га ошиши кузатилди.




3-расм. Товуқ эймериози ва пуллорозининг аралаш кечишида қондаги эритроцитлар сонининг ўзгаришлари

Тажрибанинг 5-кунига келиб, 2- ва 3-гуруҳдаги жўжалар қонидаги эритроцитлар сони ўртача 30,6 - 6,3%, гемоглобин миқдори 37,0 - 8,7% га камайди. Лейкоцитлар сони 2-гуруҳда 28,4%, тромбоцитлар эса 2-3 гуруҳларда 17,1 - 15,2% га ошганлиги қайд этилди.



3-расм. Товуқ эймериози ва пуллорозининг аралаш кечишида қондаги эритроцитлар сонининг ўзгаришлари

Лаборатория тажрибасининг 10 кунига келиб 2-гуруҳдаги жўжалар қонидаги эритроцитлар сони ўртача 2,1% га, гемоглобин миқдори ўртача 6,8% га пасайиши, 2-, 3-гуруҳларда лейкоцитлар сонининг ўртача 46,0-12,3% га тромбоцитларнинг эса 39,3-12,5% га ошганлиги қайд этилди.



Тажрибанинг 15-кунига келиб 2- ва 3-гуруҳ жўжалари қонидаги лейкоцитлар сони ўртача 12,9 - 7,7% ва тромбоцитлар сони эса ўртача 18,1 - 2,7% га кўпайиши аниқланди. Шунингдек, лаборатория тажрибаларининг 20-кунига келиб 2- ва 3-гуруҳ жўжалари қонининг морфологик кўрсаткичлари тоза назорат гуруҳи жўжалар қонининг морфологик кўрсаткичлари билан яқинлашди.

Тадқиқотлар натижасидан кўришиб турибдики, лаборатория текширувларида жўжалар эймериози ва пуллорозининг ассоциатив кечишида ампролин-300, энрофлоксацин-10% ли ва витаминли премикслар биргаликда қўлланилганда самарадорлик юқори бўлиши ва қоннинг морфологик кўрсаткичларига салбий таъсири қайд этилмади.

Товуқ эймериози ва пуллорозининг кимёвий профилактикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, паррандачилик амалиётига дори препаратларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиб, ҳар бир жўжа ҳисобига 998,6 сўмни, ҳаражатлар қоплами 13,8 сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Эпизоотологик тадқиқот натижалари таҳлиliga кўра, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари туманларининг паррандачилик хўжаликлари товуқ эймериози кенг тарқалган ҳудудлар бўлиб, уларда инвазия экстенсивлиги 58,5 - 66,6%, инвазия интенсивлиги 3,4 - 90,8 нусхани ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларнинг ёш ва ўсувчи жўжаларда, айниқса, 20 кунликдан - 3 ойликкача бўлган жўжаларда юқори эканлиги қайд этилди.

2. Пуллорозга 22-25 кунликкача бўлган жўжалар катта ёшдаги жўжаларга нисбатан кўпроқ ва доимий берилувчан бўлиши қайд этилди ва

66,6% ни ташкил этди. Эймериоз билан пуллорознинг аралаш кечиши - ҳар уч ҳолатдан бирида қайд этилиши кузатилди.

3. Товуқ эймериозини даволашда ампролин эймериостатигини 1 кг емга 1 г миқдорда 7 кун давомида узлуксиз қўллаш самарали кўрсаткичга эга бўлиб, ушбу препаратнинг парранда организмида эймериозга қарши иммунитет ҳосил бўлишини яхшилаиди.

4. Ампролин ва рексвитал премикси биргаликда қўлланилганда жўжалар ичакларининг шиллик қаватида патологик жараёнлар кузатилмади ва эймериозга хос патологоанатомик ўзгаришлар аниқланмади.

5. Эймериозни даволашда интракокк эймериостати 1 л сувга 1 мл дан ва рексвитал 1 кг емга 0,5 г миқдорида 2 кун давомида узлуксиз қўлланилганда жўжаларнинг сақланувчанлиги 100%, эймериозга қарши индекс 191,0 баллни ташкил этди ва ушбу препаратлар биргаликда қўлланилганда парранда организмнинг резистентлиги ортишини таъминлайди.

6. Ампровет 25% ва рексвитал премиксини 1 кг емга 0,5 г + 0,5 г дан қилиб 10 кун давомида қўлланилиши кўзғатувчиларга нисбатан юқори самарадор таъсир этди ва бунда эймериозга қарши индекс 193,6 балл, жўжаларнинг сақланувчанлиги 100% ва кунлик ўсиши ўртача 14,8 г ни ташкил этди.

7. Эймериоз ва пуллорознинг аралаш кечувчи шаклининг олдини олишда ампролин (0,5 г/1 кг емга), энрофлоксацин-10% (1 мл/1 л сувга), рексвитал витаминли премикслари (0,5 г/1 кг емга) қўлланилганда самарали даволовчи натижа қайд этилиб, касалликка қарши индекс 195,3 баллга тенг бўлиши аниқланди.

8. Жўжалар эймериози ва пуллорозининг аралаш кечишида ампролин-300, энрофлоксацин-10% антибиотиғи, витаминли премикс рексвитал билан биргаликда қўлланилганда самарадорлиги юқори бўлиб қоннинг морфологик кўрсаткичларига салбий таъсир этмайди.

9. Товуқ эймериози ва пуллорозининг аралаш шаклининг кимёпрофилактикаси учун тавсия этилган дори воситалари ва уни қўллаш схемасини жорий этиш эвазига ҳар бир жўжа ҳисобига олинган иқтисодий самара 998,6 сўмни, ҳаражатлар қоплами 13,8 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ХУДЖАМШУКУРОВ АХТАМ НУРМАМАТОВИЧ

ХИМИОПРОФИЛАКТИКА ЭЙМЕРИОЗА И ПУЛЛОРОЗА КУР

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) ветеринарных наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.3. PhD/V19.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Давлатов Равшан Бердиевич**
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мавлонов Собиржон Ибодуллаевич**
доктор ветеринарных наук
Менглиев Гайрат Акрамович
кандидат ветеринарных наук

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт ветеринарии**

Защита состоится «_____» _____ 2020 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 Самаркандского института ветеринарной медицины. (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86, e-mail: samvmi@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института ветеринарной медицины (зарегистриация за № _____). (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.

(реестр протокола № _____ от «_____» _____ 2020 года).

Х.Б.Юнусов

Председатель научного совета по присуждению учёных степени, д.биол.н., профессор

Ш.Х.Курбанов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степени, к.вет.н., доцент

К.Н.Норбоев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степени, д.вет.н., профессор

Введение (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблема профилактики инфекционных, незаразных и инвазионных болезней птиц, производства экологически чистых и диетических птицеводческих продуктов всегда являлась актуальной. По сведениям Всемирной организации здравоохранения животных, из болезней, регистрируемых у птиц, 30% составляют болезни дыхательной и 29% - пищеварительной системы, а 17% - остальные патологии¹.

Во всём мире быстрое определение эпизоотологического состояния, ранняя диагностика и разработка современных лечебных, профилактических мер широко распространенных основных паразитарных и некоторых инфекционных болезней птиц считаются актуальными. Особенный интерес вызывает при этом разработка мер эффективной химической профилактики смешанного течения эймериоза кур и пуллороза, как широко распространённых болезней среди птиц с учетом биоэкологических ситуаций территорий, мониторинга эймериоза и пуллороза, анализа морфологических, биохимических и иммунологических показателей больных птиц.

За период независимости, в Узбекистане были предприняты широкомасштабные меры интенсивного развития птицеводства, увеличено поголовье птиц и их продуктивность, поставлены в правильное русло системные меры по предупреждению различных паразитарных, инфекционных и незаразных болезней. В «стратегии² действий» по всестороннему развитию Республики Узбекистан особое внимание уделено развитию сельского хозяйства, в том числе и животноводства. Поэтому разработка мер профилактики против ассоциативного развития основных паразитарных и инфекционных болезней птиц и внедрение в производство новых эффективных эймериостатических препаратов и антибиотиков имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в осуществлении Закона Республики Узбекистан «О ветеринарии» и Постановлений Президента Республики Узбекистан ПП-24/60 от 29 декабря 2015 года, «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на период 2016-2020 годов», ПП-4015 от 13 ноября 2018 года «Дополнительные меры по развитию птицеводства», ПП-4254 об 28 марта 2019 года «Об организации деятельности государственного комитета Ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в

¹ Информация Всемирной организации здравоохранения животных. 2014 год

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 «О стратегиях действий по пяти приоритетам развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

соответствии приоритетному развитию науки и технологий республики V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Отечественными и зарубежными учеными паразитологами И.Х.Иргашевым, Х.К.Бурхоновой, А.Р.Жабборовым, О.Давроновым, Д.Ибрагимовым, Т.А.Абдурахмановым и Р.Б.Давлатовым, а также Р.Н.Коровиным, Т.А.Шибаловой, В.Ф.Крыловым, Ю.П.Илюшечкиным, В.Ф.Галата, А.И.Ятусевичем, Е.В.Рябцевым, Н.А.Бондаренко, А.М.Абловой, А.И.Крилловым, Ф.С.Киржаевой, Г.А.Грошевой, С.В.Николаевой, P.L.Long, A.Latala, V.Cozma и A.Gawel проведены широкомасштабные научные исследования по распространению, патогенезу и мерам борьбы против эймериоза и пуллороза птиц.

Несмотря на эти результаты, в нашей стране остаются невыясненными некоторые вопросы по определению течения и химиопрофилактики эймериоза в ассоциации с пуллорозом. Исходя из этого, изучение эпизоотологии и разработка современных методов лечения и мер профилактики этих болезней являются актуальными.

